



Узок йиллар бу ходиса ҳақда сўзлашга юрагим бетламади, бир оёғимни олдинга боссам, иккинчисини олиб кочардим. Ким ҳам ислом ва мусулмонларнинг халокати эълонини ёза оларди? ...Ким ҳам Ислом ва мусулмонларнинг киргини эълонини бита оларди? Кайси инсонга ўшал воқеаларни гапириш енгил бўларди? Эҳ кани, онам мени тугмаганида эди, кошки бундан илгари ўлсам-у, бутунлай унутилиб кетсам эди! Мен ёзишга ботина олмай турганимда, дўстларимдан бир гуруҳи бу воқеаларни ёзишимга ундашди, сўнгра фикрладим, буни ёзишни тарк қилмоғимнинг фойдаси йўқ экан. Яъни қиссанинг ёзилишию ёзилмаслиги, ўлимни ёки қиёматни олдин ҳам, кейин ҳам қила олмас экан. Шундай экан, бундан сўнг мусулмонлар ундан фойдаланишлари учун ёзилмасинми?

Ибнул Асир, ал-Камил фит-Тарих

Ислом уммати ўзининг сўнги кунларини яшаяпти, деб ўйлаган Ислом душманлари салбчилар юришию мўғулларнинг босқини қаби жуда оғир кунларни ҳам бошидан ўтказганини билишлари керак. Бирок, ўшанда ҳам Ислом тарихига нуқта қўйилгани йўқ эди – Аллоҳ таоло бизга ҳар бир қийинчиликдан сўнг, енгиллик ва юксалишни ваъда қилган.

Еттинчи ҳижрий аср тарихчиларининг аксари бу халқни: “Шу вақтгача ҳеч ким билмайдиган, ёввойи қўчманчи халқ”, деб таъриф берган. Мўғуллар даштидан чиқиб, 1211 йиллар шавфкатсиз урушни бошлаб, бир неча йил ичида Хитойнинг Цзин сулоласини тор-мор қилди. Хитойликлар бу сафар мўғуллар факат шолди ва ипак учун келмагани, балки ҳамма нарсасига эга бўлиш учун келганини ҳисобга олмаган эди. Хитойликларнинг қўчманчилар билан бўлган муносабатлардаги қизиқарли парадоксарнинг бири мўғуллар ўзларига қарши мудофаа учун қурилган буюқ хитой деворининг қурилишни қуриб битказганида бўлса керак. Милoddан аввалиги 3 асрда қурилиши бошланган ушбу девор 1260 йилларда мўғулларнинг Юан сулоласи даврида қуриб битказилди. Қурилишга бир миллиарддан ошди кубометр тош ишлатилди – бунга эса, 120 та Мисрдаги Хуфу пирамидасини бунёд қилса бўларди. Мушрикларнинг аҳмоқлигининг ёдгорлигини қуриш хунларнинг ҳукмдори Модэнинг хитойликларга таҳдид солиши ҳамда Хитой ҳаққони хотинига совчи қўйиши йилларида бошланган.

Кўзланган мақсад оддий – хунлар келиннинг сеп-сидири сифатида бутун Хитойни кўрганлар. Тўғри, хитойликлар ҳаққон хотинни ёввойи кўчманчига хотин қилиб беришмаган, бироқ кўчманчиларнинг таклифини рад қилиш қандай оқибатларга олиб келишини билган ҳолда чегара мудофаасини қучайтирганлар. Кейинроқ “аср қурилиши”нинг ташаббускорларидан бўлган ҳаққон (император) Си Ши-Хуанди бу деворнинг фойдасиз эканини тушуниб етди. Деворни химоя қилиш учун Хитойнинг бутун бошли мунтазам (доимий) кўшни етмайди. Навбатдаги тарихий хато бугунги Хитой саяҳатчи бизнесига яхшигина даромад келтираётган бўлса ҳам, менимча у халигача моддий ва бошқа харажатлари билан ўзини оқламаган бўлса керак.

Хитой ва тангутларнинг шарқдаги давлати бир неча йил ичида тор-мор қилинди ва Мўғуллар салтанатининг чегаралари Хоразмга яқинлашди. Ўша вақт Хоразмнинг шоҳи Муҳаммад эди. “Менга кўра, бунга ўхшаш фитна Одам алайҳиссалом давридан то бугунги кунгача бўлмаган”, деб ёзади Ибн Амир ўзининг “Ал-Комил” асарида.

Мушриклар Ислоҳ билан қурашишда мағлуб бўлиб эҳтимоли борлигини билишган ва шунинг учун ҳам улар урушга бошқа урушга қарагандан ҳам кўра жиддий ва пухта тайёргарчилик қўришган. Мусулмонлар ва мўғуллар ўртасидаги биринчи уруш меркитлар қабиласининг қолдиқларини мўғуллар тор-мор қилаётганида бўлиб ўтган эди. Ўшанда меркитлар барибир ўзларига Ўрта Осиёдан жой топа олмаган эди, уларнинг аксари мўғуллар билан бўлган жангларда ҳалок бўлишди. Меркитларнинг ўлжаси устида бўлиб ўтган жангларда ҳеч қим қилиб бўлгани йўқ, мўғуллар тун қоронгисига қоришиб кетди, аммо қулхонларини ўчирганлари йўқ эди.

Бу тўқнашувлардан факат мўғуллар қуттиш ва қарибни яхшилаб ўрганиш кераклиги ҳақида керакли ҳулоса қилганлар. Бироз вақт ўтиб улар Хоразм шоҳи Муҳаммадга элчиларини юбориб тинчлик ва мусулмонларнинг ерларида савдо-сотик қилишга руҳсат сўраган. Ҳеч нарсадан хабари бўлмаган шох руҳсат берган. Кейинчалик мусулмонларнинг қони қарё бўлиб оқиши мана шу ердан бошланган.

Сўнг нима бўлди? Мўғуллар савдо қарвони баҳонаси билан ўз жосусларини юборди; унинг вазифаси Хоразм шаҳарларининг мудофаа солоҳияти ҳақида маълумотлар йиғиш эди. Бироқ, улар етиб қелган биринчи шаҳарнинг ўзида, Ўтрор ҳокими уларнинг қабиланинг фойда қилган ва душманининг ҳамма жосусларини қўлган олиб, уларни қатл қилишга буйруқ беради. Факат битта мўғул тирик қолдирилади, орадан анча кун ўтиб у Чингизхон қароргоҳига етиб боради.

Халигача мўғуллар билан мусулмонлар ўртасидаги урушни қим бошлагани, урушга қим биринчи қадам қўгани ҳақида баҳслар бор. Мусулмон тарихчилари орасида ҳам бу масалада ихтилоф бор, баъзилари бу айбни мусулмонларга тўнкаши ажабланарлиқдир. Ўша даврдаги хоразмшохлар давлатини оқламоқчи эмасман, чунки ўша пайт мамлакатга шиалар ва турли хил сўфиларнинг турли хил тариқатларнинг таъсири жуда катта бўлиб, жамиятда шундай илдиз отган эдики, буни факат ташқи қўч орқали ҳал қилса бўлар эди. Бундан ташқари Хоразм Бағдод халифасига бўйинсинмасдан, унга қарши жанг қилиб қелар эди. Мувоффақият қўч у тараф қўчида бу тарафда эди. Ибн Асир ўша давр мусулмонларининг адашишлари ва қўноқлари ҳақидаги мавзуга қўпроқ тўхталган (ўша қўноқлар учун Аллоҳ таоло мусулмонларни мўғуллар билан қазолаган), аммо мен бу ҳақида қисқача қиламан.

Шундай қилиб, урушни қим бошлади? Мен уруш оловини мўғуллар ёққани ҳақида гапирадиган тарихчилар фикрига қўшиламан. Қимдир Ўтрор ҳокимининг қарорини нотўғри дейиши мумкин, бироқ у душман жосусларини қўтиб, сўнг қатл қилдириб жуда

тўғри килган. Ўша вақт мўғуллар босиб олган ерларнинг харитасига кўз югуртсангиз уларнинг Ўрта Осиёга тўғридан-тўғри хавф солиб турганини англаб етасиз. Шимолда вахшийлар жанубдагиларга караганда одам кам яшайдиган, кашшок ва иклими совук бўлган Сибиргача етиб келган эди. Жануб ва Шарк Чингизхон кўшинларининг зарбаларидан махв бўлди. Хитой йўк килинди, Жанубий-шаркий Осиёга юборилган Урйанх-Кадай бошчилигидаги мўғул кўшинлари катта талофат кўраётган эди. Беш йил давом этган бу юришларда кўшин таркибининг 80 фоизи йўк килинган ва мўғулларнинг маҳаллий аҳолидан кўшин тўплаб, жангларда катнашишини уларни тўлик тор-мор бўлишдан асраб колди.

Демак, мўғуллар мусулмонларнинг ерлари ҳисобдан бошқа ўз ерларини кенгайтиришнинг бошқа йўли йўк эди. Бундан ташқари, ақлдан озган мушриклар бутун ер юзини, тў сўнгги денгизгача забт этишни орзу қилар эди.

Буни Чингизхоннинг “Нодир ривоятлар”да айтган сўзлари тасдиқлайди: “Мен бутун дунё мўғулларнинг даштига айланиши, унда подалар ўтлаб юриши ва мўғул аёллар кўкраклари билан болаларини эмдиришини хоҳлайман”. Мўғул ҳукмдорининг айтган бу сўзларини амалга оширишга бўлган ҳаракатлар бу кўчманчиларнинг жаззак ҳаракатларини, режаларини тушунишга ёрдам беради. Энг сўнгги “дарё”га қараб юриш қилган мўғуллар Балқоннинг гарбий қисмларигача етиб борди. Ўша вақт мўғуллар империясининг ҳукмдори Чингизхоннинг ўғли Угедейнинг ўлими уларни тўхтатиб қола олган. Бўлмаса Римгача бир икки юз километр масофа қолган эди.

Айтмоқчи, Хара Даван ва Гумилев қаби мўғулларни яхши кўрадиган тарихчилар Чингизхоннинг бу сўзлари, режаларини тушириб қолдирдилар ва урушни мусулмонлар бошлаганини эълон қилишди. Хоразм шоҳи Муҳаммаднинг тажрибасини ҳам инобатга олишимиз керак. У мўғулларнинг ҳарбий имкониятлари ва сўнгги ҳарбий мувоффақиятларини жуда яхши билган. Чингизхон ўз атрофида Мўғулистоннинг барча қабилаларини бирлаштириб хитойликларни тор-мор қилгани мусулмонларни ташвишга қолган эди.

Дарҳақиқат, агар адолат қарор топса қофир мушрикларнинг давлатлари қўтарилиши мумкин, агар адолат бўлмаса мусулмонларнинг давлати ҳам вайрон бўлиши мумкин. Агар биз Мўғуллар давлати асосчисининг сиёсатига ҳолис назар ташласак, унинг ўз қўл остидагиларга адолатли бўлгани ҳақидаги жуда қўп мисолларни кўришимиз мумкин. Эҳтимол, ўша даврда улар шу жихати билан бошқалардан устун бўлгандир. Чингизхон мушрик бўлиб қолди ва мўғулларнинг жохил анъаналарини Аллоҳ таоло шариатидан устун қўйган. Чингизхон ўзининг “Ясик” китобида (Чингизхон тўқиб чиқарган қонунлар) мусулмонларга қарши бандларни тўқиб чиқарган эди. Масалан, “Агар қимдир мусулмонлар қаби ҳайвонни сўйадиган бўлса, унинг ўзини сўйиш керак” дейилган эди. Мўғуллар ҳайвонларни тамоғидан эмас, балки кўкрагидан сўйиб, юрагини сугуриб олиб қилган эди.

Хоразмга юборган жосусларининг ўлимини эшитган Чингизхон қазабдан қайнаб кетди ва шоҳ Муҳаммаддан Ўтрор ҳокими ва мўғулларнинг қарвонидаги юқларни қайтаришини талаб қилди. Аммо Хоразм шоҳи Чингизхон элчиларининг талабларини инобатга олмади. Сўнг элчилар уруш очиш билан таҳдид қилишни бошлаганида уларни қатл этишга буюради. Унинг бу қарори шариатга қанчалик мувофиқлиги ҳақида баҳс қилса бўлади, чунки пайгамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам ўзини пайгамбар деб эълон қилиб турган Мусайлима қаззобнинг элчиларини қатл қилмаган эди. Пайгамбаримиз соллоллоҳу алайҳи вассалом элчига ўлим йўқ, деган суннатни жорий қилганлар. Бироқ,

Алоуддин Мухаммад хоразмшоҳ мўғулларнинг элчиларини каттл килишини тўғри тушунса бўлади, чунки элчилар димоғларини баланд килиб, хаддан зиёд кеккайиш қилган. Ўзлари мушрик бўлиб, мусулмонларнинг амирлари билан бундай муаммола килиб бўлмайди. Худди шунга ўхшаш нарсани яна бир мусулмон амири, султон Бейбарс ҳам қилган эди. Ўшанда Кохирага келган мўғул элчиларининг каллаларини шаҳар дарвозаларига осиб қўйган эди. Хозир қадимги Кохира деворларидан деярли ҳеч нарса қолмаган бўлса ҳам ўша такаббур элчиларнинг қалласи очилган дарвоза ва деворнинг баъзи қисмлари сақланиб қолган.

Чингизхоннинг жаҳл учига чиқиб – хоразмшоҳга мактуб юборди: “Сен урушни истадинг – энди унга эга бўласан” ва мусулмонлардан қасос олиш учун урушга тайёргарчилик қўра бошлади. Бу воқеалар узок ўтмишнинг 1219 йилларида бўлиб ўтган эди, ўшанда мўғулларнинг қўшни Хоразм армияси устидан ғалаба қозонишига ҳеч қим ишонмаган эди. Чунки хоразмликларнинг армияси мўғулларникига қараганда икки баробар кўп эди. Ўзи умуман айтганда, қўшинларнинг сонини тарихчилар ҳар қил қилиб айтган. Баъзи тарихчилар хоразмшоҳ 120 минг мўғулларнинг қўшиғига қарши 400 минг аскар тўплаши мумкин эди, деб айтган. Бирок мусулмонлар ҳақидаги маълумотлар бўриттириб қўрсатилган ёки тарихчилар аҳолини сафарбарлик қилиш имкониятидан қелиб қиккан бўлса керак. Нима бўлган тақдирда ҳам мўғуллар 100 мингга яқин отлик қўшинни ҳозирлаш имконияти бўлган ҳамда бўйинсиндирилган халқлардан ҳам аскарлар олиши мумкин эди.

Мўғулларнинг босқинидан сўнг икки йил ўтиб Ибн Асир айтади: “Мен бу воқеалар ҳақида ёзмакчи эмасдим, вақт ўтиб икки йил ичида мўғуллар беш миллион мусулмонларни қириб ташлашига қимдир ишонмаслиги мумкинлигини ўйламаган эканман, бироқ бу ҳақиқат; ўша вақт яшаганларнинг ҳаммаси бу ҳақида гувоҳ бўлишлари мумкин”.

Хоразмшоҳ Мухаммад ҳар бир шаҳар ўзи ҳудофаа қилинади, деб ҳал қилувчи жангга қикмагани қатта ҳато бўлди ва оқибат бутун мамлакат бой берилди. Мўғуллар икки тарафдан қарба берди; Чингизхон қўшнидаги Жебе исмлиқ сарқарда тоғлардан оқиб ўтди ва хоразмликларнинг оқасидан қикиб ҳеч қим қутмаган жойдан қарба берди. Душманнинг асосий қучлари эса, шарқ тарафдан қелиб Ўтрорни қамал қилди. Шаҳар ўзини қардларча қимоя қилди ва олти ой ўтиб шаҳар қулади. Мўғулларнинг қарбасига дуч қелган кўп шаҳарлар қатори ўтрор ҳам бошқа қиклана олмади.

Мўғуллар олға қараб қуришни давом этди, йўлларида нима учраса ҳаммасини йўқ қилди. Жуда кўп мусулмонларнинг шаҳарлари дарвозаси ўз нафслари ва шахсий манфаатларига қул бўлган амир ва қуллар тарафидан оқиб, таслим қилинтирди. Бидъатчи олимлар, сотқин имом ва мунофиқлар буюқ бир ёлгонни тўқиб қикаришди. Ўзи шундоқ ҳам бирлашиши қийин бўлаётган мусулмонларга янада қийин бўлди. Сохта уламолар тарафидан халқ орасига тарқатилган буюқ ёлгонга қўра муқаддас қитобларда қикр қилинган Яъжуж ва Маъжужлар мўғуллар эмиш, шунинг учун ҳам уларга қарши қуришнинг фойдаси йўқ эмиш. Бошқаларнинг айтишича, мусулмонлар қофирларга қарши қуришга қуч-қудратлари йўқ эмиш, шунинг учун дин манфаатлари учун таслим бўлиш ва уларнинг шартларини сўзсиз қабул қилиш, яъни қам қарарни танлаш керак эмиш. Гувоҳ бўлганимиздек, ўтмишдаги таслимчилик қайфияти бугунгидан унча қатта фарқ қилмайди.

Мусулмонларнинг ичидан берилган бу қабил қарбалар ўз ишини қилди ва Бухоро ҳудофаси учун хоразмшоҳ Мухаммад юборган 50 минглиқ аскар шаҳар деворига етмасданок, битта мўғулга ҳам дучор бўлмасдан, жангсиз тарқаб қетди (шарманда).

Мусибат устига мусибат деганларидек, бу воқеалардан бир йил олдин, яъни 1218 йил мусулмонларга қарши бешинчи салбчилар уруши бошланиб, натижада Мисрнинг Думят порт шаҳри ғайридинлар қўлига ўтган эди. 1219 йил Чингизхоннинг мусулмонларнинг ерларига юришидан аввал фаластинлик мусулмонлар Қуддуси шариф яна кофирлар қўлига ўтиб кетса керак дея ўйлашди. Ўшанда улар барча шаҳарларнинг деворларини текислаб ташлашга қарор қилишди, ҳеч ким қаршилиқ қўрсатиш ҳақида ўйламас эди. Бироқ, Аллоҳ таоло шу ерда ҳам мусулмонларни ташлаб қўймади. Қуддуси шарифни узок вақт камал қилган франкларнинг ҳисобсиз қўшинлари мужоҳидлардан тинчлик, омонлик сўрашди ва улар ватанларига хотиржам қайтиш учун сулҳ сўрашди.

Хоразмшоҳларнинг энг катта стратегик ҳатоси уларнинг шаҳар деворлари мустаҳкамлигига каттик ишонган ҳолда мудофаага ўтиб олишлари эди. Бироқ мўғуллар шундай бўлиш эҳтимолини назарда тутиб, ўзлари билан бирга хитойдан баллист ва манжаниклари билан энг зўр муҳандисларни олиб қилишган эди. Бу усқуналарнинг баъзилари 90 килограммга тенг келадиган тошларни олишлари мумкин эди. Шаҳар деворлари тинмасдан ўққа тутилиши ҳамда ўша даврнинг энг зўр қалъа деворларини тешадиган усқуналари шаҳар ҳимоячиларининг сайъи-ҳаракатларини зое қилар эди. Бироқ, ҳатто бу ҳам мўғулларнинг асосий қилмишлари эмас эди, балки Хуанхэ қирғоқларида бўлиб ўтган жанглардаги қалаба қазонишда муҳим рол ўйган эски тактикалари бу сафар ҳам иш берди. Шаҳар қалъаларини ишғол қилиш учун мўғуллар шаҳар атрофидаги қишлоқ аҳолисини биринчи сафга олиб ҳужум қилар эди. Асирлар биринчи бўлиб хандақларни қўмишар ва деворларга тортилган нарвонларга биринчи бўлиб чиқишар эди. Ва шаҳарни ҳимоя қилаётганлар тараддудга тушиб “ўзлариникини” ўлдиришга ботина олишмас эди. Бу жирканч тактика Ўрта Осиёда ҳам қўлланилди ва мўғулларга мувоффақият олиб қелди; ҳатто кейинчалик баъзи Ислом уламолари мусулмонлардан ташкил қилинган ва орқасида кофирлар яширинган “тирик қолқон”ни уришга руҳсат берганлар.

Ибн Асирнинг айтишича, айнан шу кунларда Бухоро ҳимоячилари жангга тайёргарчилик қўраётган лаҳзаларда, улар билан бирга сўнгги ҳақиқий уламолар ва қорилар ҳам бор эди.

Улар Бухоро деворлари тагида жойлашган душман қароргоҳларига ҳум қилмоқчи бўлди ва деярли ҳаммаси ўлишга тайёр эканини изҳор қилиб байъат қилишди. Уларга қўра, улар душманга қарши қилмас эртами ёки кеч Бухоронинг соткин амирлари мўғулларга шаҳар дарвозаларини очиб бериши мумкинлигини яхши тушунар эди. Ибн Асир: “Ва улар, биргалашиб, душманга қарши зарба бермоқчи бўлишди ва Бухоро шаҳрининг дарвозалари очилиб, мужоҳидлар қўшини мўғуллар қароргоҳи қараб ташландилар; улар 50 мингга яқин эди”, деб ёзади. Мўғуллар чекина бошланди ва буни қўрган бухоролик мужоҳидлар руҳлари қўтарилди: улар душман сафини олға қараб ташландилар. Бироқ, уларда битта бошқаруви бўлмагани ва мўғулларнинг чекиниши бир тузук эди. Мўғуллар уларни қўршаб олди ва қора тун бўлганича қонли жанг бўлди; мусулмонларнинг биттаси ҳам орқага қайтамади ва уларнинг жуда аксар қисми шаҳид бўлди. Оламлар Роббиси Аллоҳ таоло уларнинг шаҳодатларини қабул қилсин.

Шаҳар ҳимоячиларининг мувоффақиятсиз ҳужумларидан бир кун ўтиб, шаҳар оқсоқоллари мўғулларга шаҳарни жангсиз топширишди. Бироз вақт ўтиб, мўғуллар Урганч шаҳрига Жайхун сувларини йўналтириб, Урганчни ҳам босиб олдилар. Айтишларича, хоразмшоҳ Муҳаммад Каспий денгизининг қайсидир бир оролида ўлган экан. Хоразмнинг беҳисоб бойлиқларига эга бўлган шох қафанга ҳам зор бўлиб ўлди. Бу

жанглардан сўнг мўгуллар мусулмонлардан ҳам осон ракиб йўк деган фикрни мияларига қуйиб олишди ва Ислом ўлкаларига босқинини давом этиришди. Мўгуллар армияси ҳақида уларни ҳеч қим ва ҳеч қачон мағлуб қила олмайди деган тушунча ҳосил бўлди. Бу ҳақида ҳатто мусулмон олимлари ҳам оддий мусулмон халқларини ишонтира бошлашди. Бирок, Перван шаҳарчаси қошида мужоҳидлар қиличлари садосидаги зарбадан сўнг буларнинг ҳаммаси уйдирма экани маълум бўлди. Бу жойда исмлари фақат Аллоҳга маълум бўлган мусулмонлар кофирларнинг “енгилмас” эканини ореолини найзалари билан текшириб қўришганида улар совун пуфаги каби ёрилиб кетди.

Ўшанда, мўгуллар билан тўқнашувларда ўн марталаб мағлуб бўлган бўлса ҳам руҳлари тушмаган Ўрта Осиёнинг сўнгги мужоҳидлари йигилдилар. Уларнинг қўмондони ҳоразмшоҳ Муҳаммаднинг ўғли Жалолиддин эди. Мужоҳидлар сони ҳам кўп бўлиб, уларнинг орасида ҳам мўгулларнинг “енгилмас” экани ҳақидаги гап-сўзлари юрар эди. Буларга қарши Чингизхоннинг Шихи-Хутаху нўйон исмлиқ асранди ўғли бошчилигида 40 мингга яқин мўгуллар қўшини тўплади.

Перван олдидаги жангда мувоффақият гоҳ у тараф гоҳ бу тарафга қулиб турди, шу тарзда жанг уч кун давом этди. Тўртинчи кун эса мўгуллар хийла ишлатиб мусулмонларнинг руҳларини сўндирмокчи бўлишди – улар ҳар бир захирадаги от устига қизил тугунларини боғлаб, худди одам ўтиргандек қилиб, яъни ўз қўшинларини “икки баробарга” кўп қилиб қўрсатмокчи бўлишди.

Мусулмонлар мўгулларга янги қўшин келиб қўшилди, дея маҳзун бўлишди ва чекиниш ҳақида ўйлай бошлади. Бирок Жалолиддин қиличини олиб, душмanning марказ қисмига ёриб кирди, навқарлари ҳам унинг орқасидан душманга ташландилар. Душманларининг хийлалари фош бўлди, бу эса мусулмонларни янада руҳлантириб юборди ва Аллоҳ таоло мусулмонларга мўгуллар устидан биринчи галабани ато қилди. 40 минг мўгуллардан 4 мингга яқини қочиб қутилди. Уларнинг ичида Чингизхоннинг асрандиси бўлган хитойликлар устидан жуда кўп галабалар қазонган буюк “сарқарда” ҳам бор эди. Қолган мўгуллар омонлик сўраб, ялиниб ёлвордилар, яширинганларни эса топиб, тарихчиларнинг айтишича “қўйларни сўйгандек сўйишди”.

“Енгилмас армия”нинг шухрати бир тийин бўлганини қўраган Чингизхон газабдан қайнади. Жуда кўп одамлар мўгулларнинг оддий одамлардан фарқи йўқлигини қўришди. Жалолиддин билан қўрашиш учун у янги қўшин ташлади, бирок бу қўшин ҳам Кабул атрофидаги қаҳшатқич жангда мағлуб бўлди. Сўнг, Чингизхон Синд ҳудудларига бутун армияси билан юриш қилди. Чунки шундай қилмаса у нафақат Ўрта Осиё балки бутун салтанатини бой бериши мумкин эди.

Бирок, Аллоҳ таоло бу дунёга муҳаббат қўйган мусулмонларга жазо берди, ва уларнинг армиялари тарқаб кетди. Туркларнинг бир амири туркманлар билан бир мўгул хонидан тортиб олинган ўлжа устида талашиб қолди ва ўртада жанжал чиқди. Жанжалда 17 та мусулмон ўлди. Эртаси эса турклар ўз қўшинлари билан Жалолиддинни ташлаб кетишди. Жалолиддин қўшинлари ичида форс, туркман, пуштун, қипчоқлар бўлса ҳам туркларнинг кетиши ҳал қилувчи омил бўлди. Тилло ва қумушлар мусулмон амирларининг қўзларини ҳақдан тўсди ва бир неча кун ўтиб Аллоҳ таолонинг газабига дучор бўлишди...

Қўшинларининг аксар қисми ўз амирларини тарқ қилган бўлса-юқ ҳам Жалолиддин жангни қабул қилишга қарор қилди ва ўз аскарларини орқага чекинишга имкон қолдирмайдиган даражада жойлади – орқада жар ва унинг ортида эса жўшқин хинд дарёси оқар эди. Қолган уч тарафни эса мўгуллар эгаллаган эди. Бирок, мусулмонларда барибир танлаш имконияти бор эди: бу икки муқофатнинг бири – галаба ёки Аллоҳ таоло

йўлида шахид бўлиш.

Чингизхоннинг ўзи мужоҳидлар жонларини аямаслиги ва уларни таслим килдириш мумкин эмаслигини яхши биларди. Жангга мўғулларнинг барча аскарлари ташланди. Хеч ким колмади, илло мўғулларнинг хонининг кўрикчиларидан иборат мингта хишигтэнлар колди. Жанг мусулмонлар устунлигида ўтди, мўғуллар сафи чекинишни бошлаганида Чингизхон ўзининг шахсий кўрикчилари хишигтэнларни жангга ташлади ва жанг натижасини мўғуллар фойдасига хал бўлди.

Тарихчилар ўша жангда асир бўлган мусулмонлар хакида лом-мим демаганларининг сабаби мўғуллар асир олишмаган хаммасини кириб ташлаш ният бўлган.

Мусулмонларнинг 30 минглик кўшни кахрамонларча ўлимни кутиб олган, улар билан бирга оилалари хам халок бўлди. Жалолиддин Мангуберди Синд дарёсига оти билан сакраб “эгарда оркадаги калкони ва кўлидаги байроги билан нариги киргокдан сузиб чикди”. Буни кўрган Чингизхон, мўғулларга уни таъкиб килишни такиклаб: “Ундан ибрат олиш керак”, деди. Жалолиддиннинг бошида яна кўп синовлар бор эди, бироқ у энди бундай кўшинни хеч қачон йига олмайди.

Хоразм тамомила йикилди ва миллион-миллион мусулмонлар халок бўлди, ундан хам кўпи кулга айлантирилди. Ўшанда мусулмонлар талашиб колган мўғул хонининг ўлжаси яна мўғуллар қайтди. Ўша ўлжа мусулмон амирларининг кўзини кўр қилиб, ораларида фитна уругининг сочилишига олиб келган ва оқибат Аллох таолонинг нусратидан махрум қилди.

Ибн Асир: “Мусулмонларнинг хўрланиши шу даржага етдики, битта мўғулдан ўнталаб мусулмон кўрқар эди. Менга шу воқеаларни ўз кўзлари билан кўрган қелиб, айтишича, улар ўша ерлардан чиқиб кетаётганида уларга отлик бир мўғул етиб олади. Мусулмонлар ўнтадан ошиқ бўлса хам, мўғул уларга бир-бирларинг кўлларининг кўлларини боғлашга буйруқ беради ва хамма буйруқни бажаришга қиришиб кетади. У (ривоят қилаётган) мўғулга бўйинсинмаслик керак, ундан кўркманглар деган даъватларига хеч ким кулоқ солмайди. Шунда у ўша мўғулни чақириб, унда қиммат баҳо нарсалар борлигини айтганида мўғул эгаридан тушади. Шунда ровий ханжари билан уни ўлдиради. Сўнг унинг отига миниб мусулмонларга бир-бирларингиз кўлларини ечинглар дейди, аммо хеч ким кулоқ солмайди ва хаммаси бошқа бир мўғулнинг қелишини кута бошлайди”.

Мўғуллар юришни тўхтатади, чунки Хинд диёрига қираверишда улар Мултан шаҳрини ишғол қила олмайдилар ва жанубга қараб юришни тўхтади. Анча вақт ўтиб бу шаҳарни Темурийлардан бўлган Бобур Мирзо ишғол қилади. Бу воқеалардан сўнг мусулмон ерларига босқин тўхтади ва бир неча ўн йил мўғуллар халифалик пойтахти тарафига нигоҳларини солиб туради. У ёқда ўзларига хавф бўлиши мумкинлигини ҳис қилишади. Сўнг мўғуллар Кавказни қесиш ўтиш ниятида Эрон шимолига қараб юра бошлайди. Бу юриш учун Чингизхон ўзининг энг яхши саркардалари Жебе ва Субедайларни 20 минглик кўшин бошчилигида юборади. 1221 йил мўғуллар галаси муҳаддис ибн Можанинг она шаҳри Қазвинни кўршаб олади. Ва узок давом этган қамалдан сўнг удао дарвозани ёриб ўтиб, шаҳарга ташланади, шаҳар ичида эса мусулмонларнинг қаттиқ қаршиликларига дучор бўлади. Узок давом этган жанглардан сўнг шаҳар босиб олинади. Мўғуллар жуда кўп аскар йўқотади. Мўғуллар қарбасидан Рей ва Эрон шимолидаги бошқа шаҳарлар хам йиқилади. Шундан қилиб мўғуллар Табриз остоналарига етиб келади.

Кейин нима бўлгани қарб тарихчилари учун сир бўлиб қолди; мўғуллар шаҳарни қамал қилишга хам уриниб кўрмади ва Гуржистон тарафга отларини буришди. Бу жумбоққа Ибн Асир: “Мўғуллар Табризга яқинлашгач, шаҳардаги барча мусулмонлар жиҳод

байрокларини кўтариб шаҳар деворларига чиқишган ва Аллохнинг душманлари мўғулларга бунни очикчасига эълон қилишган”.

Мусулмонларнинг охиригача курашиш иштиёқи мўғулларни кўкркитди ва уларнинг юраги калкиб кетди шунинг учун ҳам Жебе ва Субедей чекинишга буйруқ берди. Мўғуллар отларини оркага бурди ва уларнинг ортида таслим бўлмаган шаҳар деворларидан Ислом байроғи хилпираб турарди.

Сўнг улар гуржиларнинг қўшинларини тор-мор қилди, маҳаллий оксоколларни гаров сифатида қўлга олиб Дарбант оркали ўтишди ва Терек пастлигига тушди. Бирок бу ерда уларни алан ва кипчоклардан ташкил топган иттифокчиларнинг қўшинлари кутиб туришади. Мўғуллар уларнинг устидан галаба қазона олмади. Сўнг улар кипчокларни сотиб олишди ва кипчоклар аланларни тарқ қилишди ва аланлар мағлуб бўлишди. Сўнг улар аланларнинг пойтахти Магас шағрини ишғол қилиб қўрмоқчи бўлишди, аммо бунни уддалай олмасдан шимолга қараб юришди. Мўғуллар бундан бир неча йил ўтиб қайтиб келишади ва шаҳарни ер билан текислаб кетади. Мўғуллар кипчокларнинг ортидан юра бошлайди, улар эса славянлардан ёрдам сўраб, улардан паноҳ сўраб боришади. Кипчокларнинг ҳукмдори славян князлари билан қудачилиги бор эди. Қалқа дарёси атрофида мўғуллар кипчок ва рус князларининг 80 мингга яқин қўшинларини тор-мор қилади.

Бирок мўғулларнинг голибона юришларини Булгория мусулмонларининг зарбалари тўхтатиб, гангитиб қўйди. Жеба ва Субедей қолган қўшинлари билан Чингизхон қароргоҳига қараб йўл олади. Волга бўйидаги уларнинг мағлубиятлари на хитой манбалари ва мўғулларнинг “Нодир ривоятлари”да зикр қилинган. Бирок бу ҳақда ибн Асир ва Булгория тарихчиларининг асарларидан мусулмонларнинг галабалари ҳақида билиб олишимиз мумкин.

Бирок мўғуллар бу мағлубиятларини тан олмай орадан 13 йил ўтгач Булгорияга энг сара қўшинлари бўлган Бату, Гуюк ва Мунка хонларнинг сара аскарларини юборишади. Натижада 120 минглик Иблис армияси мусулмонлар устидан галаба қазонади, энди навбат насронийларга келган эди. 1238 йил 4 март куни Сити дарёси қошида русларнинг князи Юрий Всеволодович тўғри ва қўчма маънода ўз бошини йўқотиб қўйди, сўнг мўғулларнинг қазабини ҳеч қим тўхтатиб қола олмайди.

Бирок, мўғулларнинг раҳбари Чингизхоннинг ўлими вахшийларнинг салтанатини қенгайишини вақтинча тўхтатиб туради. Ақлдан озган қофир ўлмас бўлишни ва дунёни абадий бошқаришни орзу қилган эди. Бунинг учун у ўз қармоғидаги ерларнинг ҳар бир бурчагидан сеҳргарларни ўз ҳузурига қорлайди. Бирок уларнинг ҳеч қайсини ўзидан талаб қилинган нарсани бера олмайди. Аллох таоло Қуръони қаримнинг 34-оятда: “Сендан олдин ҳам бирор башарга абадийликни қилганимиз йўқ. Агар сен ўлсанг, улар абадий қолар эканларми?”, деб айтган. Роббимизнинг бу сўзлари башариятнинг энг афзал одами, пайгамбаримиз Мухаммад саллоллоху алайҳи вассалам ҳақларида айтилган эди. Агар пайгамбаримизга абадийлик берилмаган бўлса, бошқаларга йўл бўлсин. Чингизхон бўладими ёки бошқами малакулмавт учун улар навбатдаги одам ҳалос...

1227 йил янги юришга тангутларнинг ерида тайёргарлик қўраётган ва ўзини “дунёнинг султони” деб билган қари мушрикнинг жони сугуриб олинади. Унинг ворислари Исломга қарши дарҳол уруш очишга ботина олишмади, улар мўғуллар ҳукмронлигини босиб олган ерларда қучайтиришни бошлаб юбордилар. Чингизхоннинг ўлимининг сабаби ҳалигача маълум эмас. Бу ҳақда жуда кўп ривоятлар бор, баъзиларида қасалликдан ўлган

дейилса, баъзилари ов чогида отдан йикилиб ўлди, дейилган. Яна баъзиларида эса, чакмок уриб ўлдирган дейилади. Жинсий алока пайтида ўлиб колган, деганлар ҳам бор... Нима бўлган такдирда ҳам шайтоннинг малайи ўзи муносиб бўлган жазога йўл олди. Шу билан мўгулларнинг мусулмонларга карши бошлаган юришининг биринчи боскичи ўз ниятига етди, бироқ иккинчи боскич ҳам ўзини кўп куттиргани йўк ва мўгуллар ўзларининг жирканч кўлларини Багдод халифалигига караб узата бошлади. Ўша вақтга келиб улар Якин Шаркдан ташкари барча ерларда Ислом устидан галаба қазондик, деб ишонар эди ва мўгул отларининг туёклари тезроқ муқаддас Хижоз ерларини босиб ўтишини орзу қиларди.

1253 йил навбатдаги қурултойда Тинч океанидан то Ўрта Ер денгизи ва Марказий Европача давом этган мўгул салтанатининг барча ҳукмдорлари йигилишади. Айнан ўша вақт ўзлари “дунёнинг султонлари” деб ҳисоблайдиган мўгул ҳакконлари Ислом ва мусулмонларга қаҳшатгич зарба бериш ҳақида келишиб олишади. Ушбу зарбадан сўнг, Исломни дин сифатида унутиб юборса ҳам мумкинлигини эътироф қилишади. Қуддуси шарифни мусулмонлардан “тозалаш” ҳамда Багдод халифалигини тор-мор қилиш ҳақида қарор қабул қилинади. Бу юришга буддавийлик тарафдори ҳисобланган Хулагу хон бошчилик қиладиган бўлди. Умуман айтганда “тинчлик дини” бўлган буддавийлик босқинчилик урушларини ёқламайди, бироқ Хулагу хон учун ўз динининг бундай қарашларининг заррача аҳамияти йўк эди. Бундай ҳукмдорларнинг шахсий манфаатлари учун дин тўсик бўла олмайди.

Хулағунинг бу юришида унга Исломга қарши қаттиқ қурашиб келган хотини Дўккуз хотун ва саркарда Кит Буга нўйонлар ҳамроҳ бўладиган бўлишди. Буларнинг иккиси ҳам насронийликнинг жонқуярлари эди. Бу ҳақда хабар топган Якин Шарк насроний мамлакатлари мусулмонларни қиришда қўлидан келган барча ёрдамларини аямасликка шошдилар. Уларнинг биринчиси Кичкин Арманистон подшоҳи Гетум биринчи Хулагу билан учрашди. Мўгуллар билан тузган шартномада насронийларнинг иккита талаби жой олиши ҳеч ҳам ажабланарли эмас эди:

- Муқаддас ерларни (Фаластинни) мусулмонлардан “озод қилиш”;
- Багдод халифалигини тугатиш.

1256 йили 100 мингдан ошиқ насроний ва мўгулларнинг бирлашган қўшинлари Ўрта Осиёдан чиқишди. Бундан бир неча йил олдин мисрлик мусулмонлар қатта қийинчиликлар билан салбчиларнинг ҳужумини қайтаришга мувоффақ бўлишди. Еттинчи салб юришига бошчилик қилган франциялик қирол Людовик Тўккизинчи Думят порти ва Мансур қалъасини эгаллаб олди. Бироқ, 1250 йил Коҳира етмасдан улар мусулмонлар тарафидан тор-мор қилинди. Қирол ва яна бошқа кўп рицарлар асирга тушди; ўшанда улар қатта пул эвазига озод бўлишган эди.

1258 йил шиаларнинг соткинлиги туфайли Багдод қулади ва мўгуллар бир ой шаҳарни истаганича таладилар. Маҳаллий насронийларнинг ибодатхоналари, мол-мулкларига тегилинмади. Бу воқеалардан анча вақт ўтиб муфассир олим Ибн Қасир бу ҳақда: “...баъзиларнинг ривоят қилишича, бир ой ичида Багдодда икки миллионга яқин мусулмон қатл қилинган... Уларнинг мурдалари иссиқда тез қиришни бошлади ва мурдалардан таркалаётган бадбўй хид Шомгача етиб борди... орадан бир ой ўтиб омон қолганлар ўзларининг яширинган жойларидан чиққанларида уларнинг кўп мурдалардан тарқалган бадбўй хид туфайли ҳалок бўлишди, уларнинг жуда ози омон қолди...”, деган маънода ёзган.

Мусулмонларнинг сўнгги халифаси Мустасим биллох бин ал-Мустансир ва унинг

ўгиллари ўлдирилади ва халифалик кулади. Бирок Багдодни ишгол қилишда мўғуллар ҳам жуда кўп аскарларини йўқотди. Багдоднинг тор кўчаларида жуда кўп мўғуллар шаҳар химоячилари қиличларидан ер тишлади. Хар бир уй қалъага айлантирилди ва мўғуллар мусулмонларнинг сўнгги қаршиликларини бир неча ҳафта ўтиб бостиришга мувоффақ бўлишди. Ибн Асир бу ҳақда: “Мухожидлар хар бир уй ва харбий иморатларни қалъаларга айлантиришди, қириш йўлларини тўсиб қўйишди, мўғуллар бундай биноларга ўт қўйар сўнг хужумга ўтар эди. Хатто биноларнинг биринчи қавватини бой бериб, юқори қавватларда ҳам қахшатқич жанглар бўларди, мусулмонлар қатъий туришди ва охиригача қурашдилар”.

Албатта, ҳозир, анча вақт ўтиб, бир ой ичида шунча мусулмонларни қириб ташланганини ҳамда ёнаётган Багдод ва унинг сўнгги химоячиларининг жанги тасаввур қилиш қийин. Бирок бу бизнинг тарих, уни унутитиб юборишга ҳаққимиз йўқ; бугун ҳам мўғулсифатлар мусулмонларни қириб ташлаётган бўлса ҳам бирок уларнинг бу қилмиши ўтмишдаги ҳунрезликлар олдида ҳеч нарса эмас. 20 аср олмониялик ёзувчиси Эрих Мария Ремарк: “Бир одамнинг ўлими – ўлимдир, икки миллион одамнинг ўлими эса статистикадан бошқа нарса эмас”, деб ёзган эди. Унинг бу сўзлари қандайдир маънода тўғри ҳамдир, чунки бир одамнинг ўлимининг батафсил баён қилиб, бундан фожиа ясаб, ўқувчининг кўз ёшларига эришиш мумкиндир, бирок... икки миллион мусулмоннинг ўлими қогозда тўртта сўз бўлиб қолаверади. Сиз хар қандай рақамни келтиришингиз мумкин, бирок фожиа юзларда акс этмайди, қачонки мўйян қайсидир бир одам ҳақида бўлмас экан кўпчилик учун у қуруқ статистика бўлиб қолаверади...

Шу вақтдан душманлар Ислоннинг қуёши ботяпти ва энди ҳеч қим мусулмонларни ўлимдан ёки шармандали қулликдан сақлаб қола олмайди деган тасаввур пайдо бўлди. Олдинда Шом ва Арабистоннинг қўллари, яна бир ҳаракат қилинса Аллох таолонинг дини тарих қабристонига дафн қилинади. Насронийлар ҳам Европа ёрдам қилади дея жангга отландилар. Уларнинг орзуси Яқин Шарқ ерларида минглаб қероқлар қуриш эди.

Ўшанда жуда кўп мусулмонлар мўғулларни Яжуж-Маъжужлар, энди уларга қарши туришнинг фойдаси йўқ, ер юзида Аллохнинг дини тугашига оз қолди, деб қочишга тушди. Мунофиқлар бу мишмишлардан фойдаланган ҳолда бир қўллари билан мўғулларга ёрдам берди, иккинчи қўллари билан эса мўғулларга қиличлари билан қарши турмокчи бўлганларни йўлларидан, жидду-жаҳдларидан қайтаришди.

Мўғуллар халифалик устидан эришган ғалабалари билан қофояланмадилар ва насроний-мўғулларнинг иттифоқи Сурияга бостириб қирдилар. Таслим бўлиб асирга тушган мусулмонларга мўғуллар ишончга лойиқ бўлмаган душман сифатида назар қиларди ва уларнинг тамокларига эритиб қўргошин қўйарди. Таниқли тарихчи Л. Гумилёв мўғулларнинг Осиёга қилган юришлари ҳақида қуйидагиларни ёзган: “Сурия ва Месопотамиядаги Аюбийлар сулоласи шўҳага ўрин қолдирмайдиган жасоратларига қарамай мўғул-насонийлар иттифоқи қурбони бўлишди. 1187 йили Қуддуси шарифни салбчилардан тортиб олган, 1192 йили эса Ричард Шер Юрак хужумларини даф қилган Юсуф Салоҳиддин авлодлари боболарига ўхшамадилар. Улар кўп вақтларини ўзаро (ички) урушларда ўтказдилар. Ўз манфаатлари учун улар мусулмонларга ва ўз қариндошларига қарши бўлиб салбчилар билан ҳам иттифокчи бўлиб кетаверарди. Бу урушда хар қачонгидан ҳам дарғазаблик қучайди, шунинг учун ҳам мўғуллар орасида асирга тушган мусулмонларни қаттиқ қийнаб ўлдириш кенг тарқалди. Бундан олдин бунга ўхшаш нарсалар қузатилмаган эди. Бу қабоҳат одатларни улар ўзларининг Яқин

Шаркдаги иттифокчиларидан олган бўлса керак. Халаб, Дамашк, Хўмс, Хам ва бошқа шаҳарлардаги масжидларга ўт қўйилди, насронийларнинг черковлари эса мусулмонлардан таланган ўлжалар хисобига гуллаб-яшнади. 1259 йили бахорида мўғуллар Газзага етиб келишди. Ислоннинг сўнгги кунлари яқинлашаётгандек эди гўё". Гумилёв буларни бекорга айтгани йўқ, чунки шу вақтга келиб Хоразм йиқилди, мўғуллар Ўрта Осиёда 10 миллиондан ошиб мусулмонларни вахшийларча ўлдириришди, Хуросон, Эрон, Хиндистоннинг шимоли ва Яқин Шаркдаги мусулмон ерлари босиб олинди. Гўё Ислоннинг халокати мукаррар яқин эди.

Бирок, кимдир Ислонни йўқ қилиб юборишга канчалик ҳаракат қилмасин, Аллоҳ таоло ўзининг динини доим ҳимоя қилган. 1259 йил сўнгги мужоҳидлар Мисрга чекинди. Миср ҳукмдорлари эса душман канчалик кўп ва маккор бўлмасин, улар мўғулларга қарши жангга чиқишга қарор қилди.

Ўшанда мусулмонларга қарши тил бириктирганлар жуда кўплиги ақлни лол қилади – заифлашган бўлса ҳам ҳали ҳам катта таҳдид солаётган франклар, мусулмонларга қарши тил бириктирган шаркдаги насронийлар ва мўғуллар иттифоқи. Ҳақиқат онлари келди. Бадр жангида пайгамбаримиз соллоллоҳу алайҳи вассалам қилган дуони мусулмонлар ҳам қилди: "...Агар мўминларнинг халокатини истасанг ер юзида сенга ибодат қилувчи одам қолмайди..." Қучлар тенг эмасди, бирок мусулмонларнинг Аллоҳга бўлган иймонларига қарши душман қандай қуч билан рўбарў бўла оларди. Сон жихатидан устунлигимиз? Бирок бу жангда Аллоҳ таолонинг иродаси билан сондаги устун ҳам бир неча дақиқаларда сароб бўлиб кетди. Улар бир бўлиб кўринсалар ҳам аслида уларнинг қалблари бир эмасди. Душманлар бир-бирларига қарши бўлиб қолишди. Рим папасининг вакиллари ким мўғуллар ҳукмронлигини тан олса, черковдан чиқарилади, деб эълон қилди. Тамплиер ва бошқа салбчилар мўғулларга қарши курашга шай эканини билдирди, аммо уларга деярли муносиб қаршилик кўрсата олмадилар. Шу маҳалда насронийларнинг бошқа гуруҳи Хулағуни император Константин билан билан тенглаштирди.

Мўғуллар мусулмонлар билан курашишга тайёргарчилик кўраётган бир вақтда Гуржистон мўғулларнинг басқакларига (мўғуллар босиб олган ерларни бошқариш ва назорат қилиш учун тайинлаган бошқарувчилар) қарши кўзғолон кўтаришди. Мўғуллар зудлик билан бу ерларга жазо берувчи қўшинларини юборишга мажбур бўлишди. Мўғуллар асоратида яшаб келаётган гуржилар ва Кавказ ортининг насроний ўлкалари кўзғолон кўтариши хайратлидир, чунки бу ерлар доим улуснинг сокин ерлари ҳисобланган. Шимолий Кавказда эса доим кўзғолонлар бўлиб, у ер аҳолисини бостириш жуда қийин эди.

Гуржиларнинг кўзғолонидан сўнг, мўғулларнинг буюк хони Мункэ ўлиб қолди. Бу эса чингизийлардан иборат барча саркардаларнинг иштироки билан бўлиб ўтадиган қурултой бўлиши керак дегани эди. Ўша йил Мисрга қарши ҳарбий ҳозирликлар тўхтатилди. Хулағу Мўғулларнинг пойтахти Қоракорумга бориб, янги буюк хон сайланишида иштирок этиши керак эди. Фаластинда эса, Кит Буга 20 мингдан ошиб мўғуллар ва насронийлардан ташкил топган қўшин билан қолди.

Кит Буганинг Мисрни босиб олишга тиши ўтмаслигини яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам у Мисрга юриш қилишда шошмади. Бу орада Сидон шахрининг салбчилари мўғулларнинг бир гуруҳига ҳужум қилиб, мўғулларни қиличдан ўтказишди. Ўлган мўғуллар орасида Кит Буганинг жияни ҳам бор эди. Буни эшгитган Кит Буга газаб отига миниб, шавкатсиз равишда қасос олишга қарор қилди. Мўғуллар Сидон шағрини қамал қилиб уни осон

босиб олди. Бирок бу билан улар ўз ҳолатларини янада ёмон қилиб қўйди.

Бу орада мусулмонлар мўғулларга қарши кенг камровли юришларини бошлаб юборишди ва хижрий 658 йил (1260 йил, 26 июн куни) мусулмонлар армияси, Сано ярим ороли чўлларини қесиб ўтиб Фаластинга чиқишди. Биринчи жангда мушрик ва уларнинг насроний иттифокчилари мағлуб бўлишди. Бирок бу мўғул армиясининг захира қисми эди. Энди мўғуллар қасос олишга тайёргарчилиқни бошлаб юборишди.

1260 йил 3 сентябр куни мусулмонлар ва мўғулларнинг қўшинлари Фаластин шимолидаги Айн Жалут деган жойда тўқнашди. Бу жанг натижасига қараб Ислом ёки қуфр ғалаба қазонишини ҳамма тушуниб турган эди. Шунинг учун ҳам Аллохнинг аскарлари ва Иблис куллари ҳал қилувчи жангга жиддий тайёргарчилиқ қўришга қириши кетди...

Бирок, бунгача Аллох таолонинг мўъжизасидан бошқа нарса деб атаб бўлмайдиган бир воқеа бўлди. Чингизхон салтанати ичида буюк ҳаққоннинг невараси бўлсада мўғуллар динидан воз кечган бир одам пайдо бўлди. Ислом учун оғир йиллар бўлганда дамда Олтин Ўрда ҳукмдори (Жўчи уласи) Берке хон Исломни қабул қилгани ҳақида дунёга жар солди. Сўнг, мусулмонларнинг ерларида қаттиқ зулм қилаётган Хулагу хонга қарши чиқиб, унга уруш очилмасига уруш очди.

Бундан ташқари, Берке хон Айн Жалут жанги натижасига таъсир қилган йўлни тутиб, Олтин Ўрда қўшинларига Миср тарафига ўтишга буйруқ берди ва аскарлари буйруққа сўзсиз итоат этишди. Бир неча минг мўғуллар мисрлик султон Музаффар Сайфуддин Кутуз қароргоҳига қелиб, унинг қўшинларидаги энг асосий зарба берувчи қучма айланди. Берке хон 1257 йил Олтин Ўрдани бошқараётган қариндошлари ўлиmidан сўнг иқтидорга қелди. Атрофидаги қариндошлари насроний динига эътиқод қиларди. Уларнинг деярли ҳаммаси Берке хон исломни қабул қилгани учун урушиб қолган. Сартак исмлиқ жияни ўлиmidан олдин Берке хонга: “Сен мусулмонсан, мен эса насроний динига эътиқод қиламан; мусулмоннинг юзини қўриш мен учун бахтсизлиқдир”, деган. Ушбу сўзларидан қўп ўтмай у Қоракўрумдан қайтаётганда, йўлда ўлади (Жузжанийнинг айтишича, Сартакни захарлаб ўлдиришган). Бу ишга Беркенинг алоқаси бор ёки йўқлиги ҳақида турли хил фикрлар юради. Бирок нима бўлганда ҳам мусулмонларга чексиз зулм қилаётган золимнинг ўлими яхшиликка бўлган.

Мисрлик мусулмонлар қўллаб-қувватлаган мўғулларга қеладиган бўлсак, улар ўзларининг қадрдон осий даштларига қайтмаган. Улар мусулмонларга аралашиб қетган. Динлари, Ватанлари ва ўзларини ҳимоя қилишга бўлган ҳаракатлари туфайли Айн Жалут ёнидаги жангда Роббилари мусулмонларга ғалаба ато қилди.

Мўғул-насронийлардан ташкил топган қўшинларнинг қолдиқлари мағлубиятларидан сўнг Шом ерларини бутунлай ташлаб қочишган. Энди улар ўзларига бутун ер юзини ишғол қилиш режасидан қўра, мудоффа ишлари билан машғул бўла бошлашди. Ўзини “Масихасқари” деб қилган Кит Буга нўён таслим бўлиб, асирга тушди. Бирок унинг асирга тушиши шармандалиқдан бошқа нарса унга қелтирмади. Жангда қурашиб ўлишни истамаган сарқарда, Кутуз буйруғи билан қатл қилинди.

Олтин Ўрданинг хони Берке, ўзига Барокат деб исм олди ва Миср султони Захир Рукниддин Бейбарсга байъат қилди ва ўз қизини унга никоҳлаб берди. Шу тариқа динлари асос бўлган икки мамлакат иттифоқи янада қучли боғланди. Берке хон Олтин Ўрдада ўнлаб масжидларни барпо қилиб, маҳалий мусулмонларга динни ўргатиш учун қохиралиқ уламоларни мамлакатга тақлиф қилди. Орадан йиллар ўтиб, Ўзбек хон Олтин Ўрданинг ҳамма ҳудудларида шариатни жорий қилади. Бунга қарши қиққар чингизийларни қатл қилади.

Мусулмонларга мўғулларга таслим бўлмаслигини билиб турса ҳам Хулагу хон Шом ва Миср мусулмонларига қарши янги кўшин тўплаб, жангга ташлайди. Бу сафар мўғуллар галаси Шомнинг Халаб шаҳрини босиб олишга муваффақ бўлишади, бироқ бу узоққа бормайди. 1260 йил 10 декабр куни Бейбарс кўшинлари, Аллохнинг қиличи лақабини олган Халид ибн Валид розияллоху анху вафот қилган шаҳар Хўмс қошида мўғулларни яна бир марта тор-мор қилади. Кўшинларининг сони кўп бўлиши Чингизхон невараларига ёрдам бермайди. Уларнинг омон қолганлари Фирот дарёсининг ортига қараб қочишди. Енгилган қалтакка тўймас, деганларидек, улар яна бир марта, 1277 йили энг сўнги ҳаракатларини қилиб кўради. Султон Бейборс аскарлари тарафилан улар яна тор-мор қилинади. 1295 йили эса Хулагу хоннинг чевараларидан бўлган Эроннинг илхони Газан (мусулмон бўлганидан сўнг Махмуд исмини олган) Исломни қабул қилади ва Ислом динини давлат дини деб эълон қилади. Шу билан мўғулларнинг ислом оламидаги истибдоди нихоясига етади. (Унинг уқаси ва вориси бўлган Ўлжадуйхан ҳам исломни қабул қилди гарчи у тугилганида чўкинтирилиб, Николай исми билан аталган бўлса ҳам...)

14 асрда мўғуллар салтанати тамомила йўқ бўлиб, авваллари қаердан бошланган бўлса шу ерлардагина қолди. Буюк ҳаққонлар пойтахти Қорақўрум шаҳри одамсиз ҳувуллаб қолди ва бугунги қунгача вайрон ҳолда турибди. Биттагина буддавийларнинг Эрдэни-Дзу деган ибодатхонаси бор. ЕвроОсийнинг олтиш фойзини отлари билан босиб ўтган вахшийлар ўз даштларига қайтди ва уларни бугун ҳеч қим ҳавф деб билмайди. Хитойда Юан сулоласи йўқ қилинганидан сўнг хитойликларнинг ўзлари мўхулларга қарши юриш қилиб, мўғулларга мислсиз зарар ва талофат келтиришди. 15 асрда уларнинг бошига тушгани юнон насронийларининг бошига ҳам тушди. Ўз вақтида улар Ўрта Ер денгизларида энг қучли миллатлардан эди. Яқин Шарқ минтақасида янги давр – Ўсманийлар салтанати даври бошланаётган бўлиб, бу давр яна 400 йилдан ошқин вақт давом этади.

Миллионлаб мусулмонларнинг ҳаёти, мулки ва шарафига тажовуз қилганлар ҳор бўлиб қетишди.

19-20 асрлар ҳам мусулмонларнинг фойдасига бўлмади. Ҳар тарафдан босқин қилган душманлар деярли барча мусулмон ўлкаларини ўз мустамлакаларига айлантдиришди. Бироқ нима бўлган тақдирда ҳам ўтқан асрнинг ўрталаридан бошлаб мусулмон юртлар мустамлакачилик исқанжасидан озод бўла бошлади...

90 йиллар бошида эса, Аллох таоло бизнинг ўлкаларда ҳам озодлик шабадаларини эсишини насиб қилди. (Бу энди бошқа мавзу)

Манбалар асосида

Абу Муслим тайёрлади